

Амаллар фақат ниятга кўрадир | Сийрат дарслари (242-дарс)



19:00 / 11.08.2023 2231

259. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Амаллар фақат ниятга кўрадир. Ҳар кимга ният қилганигина бўлади. Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг Расули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳга ва Унинг Расулига бўлади. Кимнинг ҳижрати дунё учун бўлса, унга эришади. Ёки аёл учун бўлса, уни никоҳлаб олади. Демак, унинг ҳижрати ўша ҳижрат қилган нарсаси учундир»**, деяётганларини эшитдим».

Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

260. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагиларни айтганларини эшитган: **«Аллоҳ бир қавмга азоб туширса, уларнинг ичида ким бўлса, ўшанга азоб етади. Сўнгра амалларига қараб қайта тирилтириладилар»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

261. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тўрт нарса борки, кимда шу хислатлар бўлса, у тўлиқ мунофиқ бўлади, кимда ўша хислатлардан биттаси бўлса, ўшани тарк қилгунча унда нифоқнинг битта хислати бўлади: қачон гапирса, ёлғон гапиради; қачон аҳдлашса, доғда қолдиради; қачон ваъда берса, устидан чиқмайди; қачон хусуматлашса, фожирлик қилади», дедилар».

Эвазнинг ривоятида: **«Омонат ишонилганида хиёнат қилади, ваъда берганида хилоф қилади», дейилган.**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

262. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мунофиқнинг белгиси учтадир: гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, устидан чиқмайди ва унга омонат ишонилса, хиёнат қилади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: **«Агар рўза тутиб, намоз ўқиса ҳам»** зиёда қилинган.

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.